

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ХУҚУҚИЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Тураббаев Хусан Абдусаломович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар
кафедраси доценти, ю.ф.н., профессор*

Аннотация: *Мазкур мақолада Ўзбекистонда ёшлар ўртасида жиноятчиликни профилактика қилишда амалга оширилаётган ҳуқуқий ва психологик механизмлар таҳлил қилинади. Мақсад — ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш учун самарали комплекс механизмларни ўрганиш. Мақолада хориж ва миллий тажриба, шунингдек, илмий тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Ёшлар жиноятчилигини камайтиришда ҳуқуқий механизмлар (профилактика инспекторлари, оилавий назорат, таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбия) ва психологик механизмлар (психологик тренинглар, девиант хулқ билан ишлаш, реабилитация марказлари) ўзаро боғлиқ ҳолда самарали қўлланиши кўрсатилган.*

Калит сўзлар: *ёшлар, жиноятчилик профилактикаси, ҳуқуқий механизм, психологик механизм, девиант хулқ, реабилитация.*

ПРАВОВЫЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПНОСТИ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ

Тураббаев Хусан Абдусаломович

*Доцент кафедры юридических дисциплин Института повышения квалификации
МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, профессор*

Аннотация: *В данной статье анализируются правовые и психологические механизмы профилактики преступности среди молодежи в Узбекистане. Цель исследования — изучение комплексных механизмов, способствующих снижению правонарушений среди молодежи и развитию правовой культуры в обществе. Рассматриваются опыт зарубежных стран и национальная практика, а также анализируются научные исследования. Показано, что правовые механизмы (инспекторы профилактики, семейный контроль, правовое воспитание в образовательных учреждениях) и психологические механизмы (психологические тренинги, работа с девиантным поведением, реабилитационные центры) эффективно взаимодействуют.*

Ключевые слова: *молодежь, профилактика преступности, правовой механизм, психологический механизм, девиантное поведение, реабилитация.*

LEGAL AND PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF YOUTH CRIME
PREVENTION

Turabbayev Khusan Abdusalomovich

Associate Professor of the Department of Legal Disciplines at the Institute of Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Candidate of Law, Professor

Abstract: *This article analyzes the legal and psychological mechanisms for preventing youth crime in Uzbekistan. The aim is to study comprehensive mechanisms that reduce youth delinquency and promote legal culture in society. The article reviews international and national practices as well as scientific research. It demonstrates that legal mechanisms (prevention inspectors, family control, legal education in schools) and psychological mechanisms (psychological training, work with deviant behavior, rehabilitation centers) effectively interact.*

Keywords: *youth, crime prevention, legal mechanism, psychological mechanism, deviant behavior, rehabilitation.*

КИРИШ

Маълумки, замонавий жамият ривожланишида ёшлар ўртада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масаласи энг долзарб вазифалардан бири сифатида қатъий кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва унинг ижросига қаратилган туб ислохотлар бу борада асосий ҳуқуқий ва институционал асосларни яратади. Стратегияда белгиланган вазифаларнинг муҳим йўналишларидан бири – жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш орқали жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни самарали амалга оширишдан иборат⁷².

Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни профилактика қилишнинг ҳуқуқий-психологик механизмлари нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, балки жамиятнинг ижтимоий-тарбиявий ва психологик таъсир кўрсатиш тизимлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замон талаблари даражасида қайта ташкил этилди. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари тизими такомиллаштирилди, уларнинг моддий-техник базаси замонавий стандартлар асосида янгиланди ва самарадорлиги сезиларли даражада оширилди. Бу эса ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини

⁷² Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳалқига мурожаати «Ўзбекистон», 2022. йил декабрь.

олиш, уларнинг қонунийликка бўлган муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ҳуқуқий ва психологик омиллари ўрганилиб, профилактика фаолиятида индивидуал ёндашув тамойили асосида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ҳуқуқий механизмлар қонунийликни таъминлаш ва жазонинг ижро этилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлса, психологик механизмлар ёшларнинг шахсий-руҳий хусусиятлари, ахлоқий қадриятлари ва ижтимоий фаоллигига таъсир қилиш орқали уларнинг қонуний хулқини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги босқичда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқий-психологик механизмлар биргаликда самарали фаолият юритиши лозим. Бу эса нафақат ички ишлар органлари ва суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини такомиллаштириш, балки оила, мактаб, нодавлат ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг тарбиявий роли орқали ҳам амалга оширилади. Шу тарзда, ёшлар ҳуқуқий саводхонлиги ва психологик барқарорлиги ортиши орқали уларнинг қонунийликка ҳурмат ва шахс ҳуқуқлари қадрига эътиқод қилишлари таъминланади.

Натижада, ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишнинг ҳуқуқий-психологик механизмлари жамиятда ҳуқуқ устуворлиги ва хавфсизликни таъминлашда асосий рол ўйнайди, ёшларнинг шахсий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай муҳит яратади ҳамда замонавий Ўзбекистоннинг демократик, қонуний ва либерал давлат сифатида барқарор ривожланишига хизмат қилади. Ушбу мақолада мавзунинг ҳуқуқий ва психологик жиҳатлари кенг ёритилиб, хориж ва Ўзбекистон тажрибалари таҳлил қилинади ҳамда амалий ечимлар таклиф этилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ёшлар ўртасида жиноятчилик муаммоси замонавий жамият барқарорлиги, ҳуқуқий маданият даражаси ва ижтимоий хавфсизликка бевосита таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Давлат ва жамият ривожига фаол иштирок этувчи ёш авлоднинг ижтимоий-ҳуқуқий тарбияси етарли даражада таъминланмаган ҳолларда, уларнинг девиант хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги ортиши мумкин[8]. Шу сабабли, ёшлар жиноятчилиги профилактикаси илмий асосланган, ҳуқуқий ва психологик механизмлар билан таъминланган мақсадли тизим сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар жиноятчилигини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотлар бир қатор йўналишларга эътибор қаратган. Жумладан, Т. Моффит (1993) ўз тадқиқотларида ёшлар жиноятчилигининг икки моделини — "ўткир ёшлик даврига хос ҳуқуқбузарлик" ва "умр давомида давом этувчи девиант хулқ" моделларини илгари сурган. Бундан ташқари[13], Хирши (1969) ижтимоий назорат назарияси орқали ўсмирларда жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири сифатида жамият билан боғланишнинг сусайишини кўрсатиб ўтган бўлса[14], психологик йўналишда эса Бандура (1977) ижтимоий-ўрганиш назарияси асосида ёшлар хулқ-атворида муҳитнинг ролини асослаб берган[15].

Маҳаллий олимлардан Б.Самойлов статистик тадқиқотлар асосида ёшлар жиноятчилигидаги тенденциялар, айниқса интернет ва ижтимоий гуруҳлар таъсирини ўрганади[4]. У профилактикада кибержиноятчиликка қарши курслар, реабилитацион дастурлар ва ҳуқуқий мисоллар орқали ишлашни тавсия қилади. А.Қаландаров психологик омилларнинг аҳамиятини таъкидлайди ва ёшларда жиноятчиликка мойилликнинг асосий сабаблари сифатида ижтимоий-руҳий беқарорлик, эмоционал импульсивлик ва ҳуқуқий маданиятнинг паст даражасини кўрсатади[5]. Унинг фикрига кўра профилактикада ҳуқуқий билим эмас, балки ҳуқуқий муомала маданиятини шакллантириш асосий аҳамиятга эга. Ш.Ғуломов ижтимоий-иқтисодий омиллар ва оилавий муҳитнинг таъсирини таҳлил қилади. У профилактика самарадорлигини ошириш учун индивидуал ёндашув, шахсий реабилитацион режалар ва маҳалла билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлайди[6].

Соҳа мутахассислари ёшлар ўртасида жиноятчилик профилактикасини оила, таълим муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги орқали ҳал қилиш зарурлигини таъкидлайдилар.

МУАММОНИ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ:

Хорижда ёшлар жиноятчилиги кенг доирада ўрганилган бўлиб, кўпгина тадқиқотларда профилактикада ҳуқуқий назорат, жамоатчилик иштирокини кучайтириш ва психологик реабилитация дастурларини қўллаш самарали эканлиги қайд этилган. Масалан: АҚШда Community Policing дастурлари орқали ёшлар билан профилактик мулоқотни кучайтириш амалиёти йўлга қўйилган [11,12].

Европа Иттифоқида Youth Justice System моделлари ўсмирларга нисбатан тарбиявий характердаги ҳуқуқий чораларни қўллашга асосланади.

Мамлакатимизда ёшлар жиноятчилигини ўрганиш ва профилактика қилиш борасида қонунчилик базаси шаклланган: "Жиноятчилик профилактикаси тўғрисида"ги Қонун, "Ёшлар сиёсати тўғрисида"ги Қонун ва бир қатор қарорлар соҳа ривожига муҳим ўрин тутди[2]. Илмий тадқиқотларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, оилавий муҳитни барқарорлаштириш ва профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш асосий йўналишлар сифатида қайд этилмоқда.

Хориж тажрибасига кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларида ёшлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг 15-20% ни ташкил этади. АҚШда эса бу кўрсаткич 17-18% атрофида бўлиб, асосий хавф омиллари сифатида ижтимоий муҳит, таълим тизимидаги муаммолар ва интернет муҳитидаги зўравонлик контенти эътироф этилади[10,12].

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 2021-2023 йиллар давомида ёшлар ўртасида содир этилган жиноятлар сонига маълум даражада камайиш кузатилган. Жумладан, 2021 йилда ёшлар томонидан 14 мингдан зиёд жиноят қайд этилган бўлса, 2023 йилга келиб мазкур кўрсаткич 11 минг атрофида қайд этилган. Бу эса профилактик ишлар самарадорлигининг ошиб бораётганини англатади[3].

Ўзбекистонда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар динамикаси ижтимоий-иқтисодий ҳолат, интернет муҳити, психологик босим ва оилавий назорат кучига бевосита боғлиқ. Сўнгги йилларда:

- профилактика инспекторлари фаолияти кучайтирилган;
- маъмурий назоратнинг электрон тизимлари жорий этилган;
- таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонлик бўйича дарслар сони оширилган.

Шу билан бирга, интернетдаги зарарли контент, оилавий тарбиядаги камчиликлар, тенгқурлар босими каби омиллар баъзи ҳудудларда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликка мойилликнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

ҲУҚУҚИЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАР

Ёшлар жиноятчилигини камайтиришда ҳуқуқий ва психологик механизмлар ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаши зарур.

1. Ҳуқуқий механизмлар

- профилактика инспекторларининг ваколатларини кенгайтириш;
- ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар рўйхатини юритишнинг электрон тизимлари;
- ота-оналарнинг ҳуқуқий масъулиятини кучайтириш;
- таълим муассасаларида мажбурий ҳуқуқий тарбия дарсларини жорий этиш;
- судлар томонидан тарбиявий жазоларни амалиётга кенг қўллаш.

2. Психологик механизмлар

- стрессни бошқариш кўникмаларини ўргатувчи тренинглар;
- девиант хулқ белгиларига эга ёшлар билан индивидуал психологик ишлаш;
- агрессияни назорат қилиш дастурлари;
- ижтимоий мослашув ва реабилитация марказлари фаолияти[9].

3. Комплекс ёндашув

Ҳуқуқий ва психологик механизмларнинг биргаликда ишлаши натижасида ёшларнинг хулқ-атворини тўғри бошқариш ва жиноятчиликка мойилликни камайитириш мумкин.

Ечим ва таклифлар:

1. Ёшлар билан ишловчи профилактика инспекторлари ва психологлар учун ягона тайёрлов дастури жорий этиш.
2. Оилавий тарбия сифатини ошириш мақсадида маҳаллаларда "Ота-оналар мактаби"ни ташкил этиш.
3. Интернет хавфсизлиги бўйича махсус ҳуқуқий-психологик курсларни жорий этиш.
4. Жиноятчиликка мойил ёшлар учун соғлом муҳит яратиш мақсадида спорт, маданият ва таълим лойиҳаларини кенгайтириш.
5. Таълим муассасаларида "Ёшлар ҳуқуқий маданияти" фанини йўлга қўйиш.
6. Жиноят содир этган ёшларнинг реабилитациясини кучайтириш ва уларни қайта ижтимоийлаштириш дастурларини кенгайтириш [10].

ХУЛОСА қилиб шуни алоҳида таъъинлаш мумкинки, ёшлар жиноятчилиги — бу жамият хавфсизлиги, барқарорлик ва келажақ тараққиёти учун муҳим омилдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, профилактика ишлари фақат ҳуқуқий ёки фақат психологик усуллар билан чекланиб қолмаслиги зарур. Комплекс ёндашув — ҳуқуқий-тарбиявий, психологик, ижтимоий ва интернет хавфсизлиги соҳаларини қамраб олган ҳолдагина кўтилиши мумкин бўлган ижобий самарага эришиш мумкин.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, ёшлар ишлари агентлиги, профилактика инспекторлари ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик натижалари ижобий тенденцияларни кўрсатмоқда. Бироқ, рақамлашув жараёни ва интернет хавфлари ортиб бораётгани сабабли ёшлар билан профилактика тадбирлари янада замонавий шаклларда ташкил қилиниши талаб этилади.

Ёшлар жиноятчилигини олдини олиш ҳуқуқий ва психологик механизмларни ўз ичига олган комплекс тизимни талаб этади. Хориж тажрибаси ва миллий қонунчилик асосида амалга оширилаётган ишлар ижобий натижалар бермоқда. Бироқ профилактиканинг самарадорлигини ошириш учун оила, мактаб, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, психологик реабилитация дастурларини кенгайтириш зарур.

АДАБИЁТЛАР РҲЙҲАТИ:

1. Ш.М.Мирзиёев Янги Ўзбекистон Тарақиёт стратегияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳалқига мурожаати «Ўзбекистон», 2022. йил декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси «Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Қонун, 2018.
3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги жиноятчилик статистикаси, 2021–2023.
4. Самойлов Б. Ёшлар жиноятчилиги: тенденциялар ва профилактика усуллари. Тошкент, 2020.
5. Қаландаров А. Ёшлар ва ҳуқуқий маданият. Тошкент, 2021.
6. Ғуломов Ш. Оила ва ижтимоий муҳитнинг профилактикадаги аҳамияти. Тошкент, 2022.
7. Anderson, C., Bushman, B. (2018). Human Aggression and Violence. Psychology Press.
8. Baumeister, R. (2019). The Self Explained. Guilford Press.
9. Bronfenbrenner, U. (2005). Ecological Systems Theory. Harvard University Press.
10. Лернер, Р. (2018). Психология развития подростков. Москва: АСТ.
11. European Youth Crime Report (2022). Berlin: EU Research Center.
12. United Nations Crime Trends. UNODC. 2023.
13. Moffitt, T. E. Adolescence-Limited and Life-Course-Persistent Antisocial Behavior. Psychological Review, 1993.
14. Hirschi, T. Causes of Delinquency. University of California Press, 1969.
15. Bandura, A. Social Learning Theory. Prentice Hall, 1977.